

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ПАЛВАНОВ БОЗОРБОЙ ЮСУПОВИЧ

**КЎП ТАРКИБЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ УЧУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МОДЕЛ ВА
АЛГОРИТМЛАР**

05.01.07– Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Палванов Бозорбой Юсупович

Кўп таркибли аралашмаларни тозалаш жараёнларини тадқиқ этиш учун
такомиллаштирилган модел ва алгоритмлар. 3

Палванов Бозорбой Юсупович

Усовершенствованные модели и алгоритмы для исследования процессов
фильтрации многокомпонентных смесей. 19

Palvanov Bozorboy Yusupovich

Advanced models and algorithms for the researchers of processes of
multicomponent mixtures filtration. 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ПАЛВАНОВ БОЗОРБОЙ ЮСУПОВИЧ

**КЎП ТАРКИБЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ УЧУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МОДЕЛ ВА
АЛГОРИТМЛАР**

05.01.07– Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Равшанов Нормаммад,
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қабуллов Анвар Василевич
техника фанлари доктори, профессор

Маликов Зафар Маматқулович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертациянинг ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2018 й. «__» _____да соат ____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертацияси билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

З.Х.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни тозалаш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг маълумотига кўра, 2015 йилда жаҳонда 2,5 млрд. тонна донли маҳсулотлар етиштирилган ва бу кўрсаткич ҳар йили янги инновацион технологияларни қўллаш ҳисобига ортиб бормоқда»¹. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, жумладан АҚШ, Хитой, Германия, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни дастлабки қайта ишлашни компьютерлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда хомашёларни чуқур қайта ишлаш, янги тозаловчи агрегат ва машиналарни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг унумдорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали технологик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан кўп таркибли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларини математик моделлар орқали динамик ҳолатда бошқариш, сонли ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш, технологик жараёнда ички ва ташқи таъсирларни инобатга олган ҳолда қийин ажралувчи аралашмаларни тозалашнинг янги технологик усул ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда инновацион технологияларни қўллаш орқали хомашёларни чуқур қайта ишлаш, маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва тозалаш технологик жараёнларини автоматик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни дастлабки тозалаш, саралаш, сепарациялаш ва филтрлаш технологик жараёнларини математик моделлаштириш ва сонли тадқиқ этиш йўналишида илмий изланишлар олиб борилди ҳамда муайян натижаларга эришилди. Бу борада янги агрегатлар ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият тақозо этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш, кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш, ... иқтисодиёт, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан кўп таркибли аралашмаларни тозалаш ва филтрлаш технологик жараёнларини математик моделлаштириш ва сонли алгоритм-ларини ишлаб чиқариш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

² http://strategy.gov.uz/uz/pages/development_economy

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505 сон «2016-2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашё базасини, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV - «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда аралашмаларни тозалаш ўзгарувчан технологик жараёнлари устида тадқиқотлар олиб борилган ҳамда етарли даражада назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, хорижий олимлардан Jing Wang, J.Zhang, Yu.Zhihui, B.Remy, J.W.Dufty, Duygu Kocaefe, Carlos Andre, Gitisa Vitaly, Andrii Safonyk, В.В.Белобородов, И.И.Блехман, А.А.Ключкин, П.М.Зайко, Г.Ю.Джанилидзе, Ю.М.Шехтман, И.И.Жужиков, И.М.Федоткин, Р.И.Нигматулин, Ю.П.Волков, В.П.Ольшанский, Ф.М.Харченко, В.П.Шацкий, Ф.Г.Ахмадиев, М.Г.Токмачев, Н.А.Тихинов, В.А.Семенов, В.В.Гортинский, А.С.Федеренко, Ю.Л.Сколубович, С.В.Натарев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Ф.Б.Абуталиев, Н.Р.Юсупбеков, Н.У.Ризаев, Д.Ф.Файзуллаев, Х.Х.Атаулаев, О.У.Умаров, М.Я.Рахимов, О.Ким, Н.Равшанов, И.К.Хужаев ва З.М.Маликовлар аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларини математик моделлаштириш ва сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда аралашманинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тозаловчи агрегатлар параметрларининг ўзгариш оралиғини башоратлаш, таҳлил этиш ва бошқариш имконини берувчи математик моделларни яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-

инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-5-001 «Мураккаб тизимларда иссиқлик ва масса кўчиши масаласини ечиш учун тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва вебга йўналтирилган дастурий воситалар яратиш» (2015-2017); ВА-ОТ-А3-21 «Статистик марказдан қочма классификаторларини яратиш ва ташкил этиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп таркибли аралашмаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сепарациялаш ва филтрлаш ўзгарувчан технологик жараёнларини бошқариш ва башоратлаш учун такомиллаштирилган математик моделлар ва сонли алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

марказдан қочма куч таъсирида сочилувчан аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг математик моделини такомиллаштириш;

вертикал ва горизонтал йўналишдаги ҳаракатлар ҳамда бошқа омилларни инобатга олган ҳолда сочилувчан аралашмаларни сепарациялаш жараёнларининг математик ва сонли моделларини такомиллаштириш;

суyoқ ионли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг тескари масаласини ечишнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш;

тозаловчи агрегатлар параметрларининг ўзгариш оралиқларини башоратлаш, таҳлил этиш ва сонли тажрибалар ўтказиш учун самарали қўлланиладиган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сочилувчан аралашмаларни ва суyoқ ионли эритмаларни филтрлаш, сепарациялаш ва ажратиш мураккаб ўзгарувчан технологик жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети аралашмаларни филтрлаш ва сепарациялаш технологик жараёнларини башоратлаш, тузилишини таҳлил этиш ва тадқиқ этиш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, гидродинамикада сонли усуллар, назарий механика, суyoқликлар ва газлар механикаси, ўлчов ва ўхшашлик назарияси, алгоритмлаш ва объектга йўналтирилган дастурлаш усуллари ҳамда сонли итерация усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

айланма барабанли сепараторларда сочилувчан аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг зарра диаметри, шакл коэффиценти ва ҳаво қаршилигини инобатга олиш орқали математик модели ва сонли ҳисоблаш алгоритми такомиллаштирилган;

текис юзали виброғалвирда зарралар вертикал ва горизонтал ҳаракати тезликлари ҳисобга олган ҳолда аралашмаларда концентрация ўзгаришини

аниқлаш учун гидродинамика қонунлари асосида икки ўлчовли математик модель ҳамда сонли ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ион алмашинув филтрлаш технологик жараёнидаги тажрибавий қиймат бародиффузия коэффициентини лаборатория шароитисиз аниқлаш усули Лаплас ва Фурье алмаштиришлари асосида такомиллаштирилган;

ион алмашинув филтрлаш жараёнининг тўртта ҳолатлари учун чўкма калинлигининг вақт бўйича ўзгаришини киритиш асосида математик моделлар такомиллаштирилган ва векторли-айирмали усули ёрдамида ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

кўп таркибли аралашмаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда суюқ ионли эритмаларни ионалмашинув усулда тозалаш технологик жараёнининг тескари масаласини ечиш усули Чебишев кўпхадларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

кўп таркибли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг ишлаб чиқилган математик модел ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида дастурий восита яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аралашмаларни филтрлаш ва сепарациялаш ўзгарувчан технологик жараёнини башоратлаш ва технологик тузилишини таҳлил этиш учун математик модель ва ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш усуллари яратилган;

математик модель, ҳисоблаш алгоритми ва дастурий воситалар ёрдамида хомашё ва саноат маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларида қўлланиладиган тозаловчи агрегатлар асосий параметрларининг янги мезонлари аниқланган;

аралашмаларни филтрлаш, сепарациялаш ва саралаш усулларини аниқлаш ҳамда юқорида келтирилган жараёнлар учун ускуна ва машиналарни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аралашманинг ҳаракат ва концентрацияси ўзгариши тенграмаси ҳамда унинг чегаравий шартлари масса, миқдор ва импульс сақланиш қонунлари асосида қаттиқ шакллантирилганлиги, сонли ҳисоблаш натижалари лаборатория тажрибаларидан олинган маълумотлар билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аралашмаларни тозалаш ўзгарувчан технологик жараёнининг қўшимча омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган математик моделлар ва сонли алгоритмлар тозаловчи агрегатлардан унумли фойдаланиш ва айрим параметрларини такомиллаштириш жараёнида назарий тажрибаларни етарли аниқликда ўтказиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти кўп таркибли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнини башоратлаш, таҳлил этиш ҳамда яратилган математик ва дастурий таъминот кишлок-хўжалик маҳсулотларини тозалаш ва қайта ишлаш жараёнларида тозаловчи агрегат ва машиналарнинг унумдорлигини ошириш билан шарҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сочилувчан ва суюқ ионли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларини тадқиқ этиш мақсадида яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

гидродинамика қонунлари асосида ишлаб чиқилган математик таъминоти, ҳисоблаш алгоритми, дастурий воситаси “Урганч махсус санитар транс” ишлаб-чиқариш давлат корхонасида маиший чиқиндиларни тозалаш ва саралаш жараёнига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 33-8/8049-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастурий воситани қўллаш орқали тозаловчи агрегат ва машиналар унумдорлигини 5-6%га ошириш, уларга кетадиган сарф-харажатларни 8-9%га камайтириш имконини берган;

Фурье ва Лаплас алмаштириш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган математик таъминот ва яратилган дастурий восита Питнак шаҳридаги “Улуғбек обод” машина-трактор паркида техник суюқликларни тозалаш жараёнига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 33-8/8049-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида математик ва дастурий таъминотни қўллаш орқали тозаловчи агрегат ва машиналар унумдорлигини 7,5%гача ошириш ҳамда машиналарга кетадиган сарф-харажатларни 7-8%га камайтириш имконини берган;

зарра қаршилиқ коэффициентини киритиш орқали яратилган математик ва дастурий таъминот Самарқанд вилоятидаги “Лаззатли ДОН” хусусий ишлаб чиқариш корхонасида буғдой донини тозалаш жараёнига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 33-8/8049-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастурий воситани қўллаш орқали агрегат параметрларини тўғри танлаш ҳисобига сепаратор унумдорлигини 3-4%га ошириш имконини берган;

фильтр юзасидаги чўкма баландлиги вақт бўйича ўзгаришини киритиш орқали суюқ ионли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнининг математик ва дастурий таъминоти “Зарафшон” магистрал тизимлари бошқармасида ичимлик сувини филтрлаш жараёнига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 33-8/8049-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида математик ва дастурий таъминотни қўллаш орқали тозаловчи агрегатларнинг параметрларини тўғри танлаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини 8-9%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тақиқот мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 3 таси хорижий, 7 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сочилувчан, суюқ ва ионли аралашмаларни сепарациялаш ва филтрлаш жараёнларини моделлаштириш бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат. Унда диссертация иши бўйича тадқиқотнинг қисқа аналитик таҳлили, тозаловчи агрегатларнинг умумий тавсифлари ҳамда аралашмаларни филтрлаш ва сепарациялаш технологик жараёнларининг мавжуд моделлари таҳлил этилган.

Бурчак β остидаги оғма виброғалвирда зарра ҳаракати тенгламаси биринчи бўлиб И.И.Блехман томонидан қурилган ва қуйидагича кўринишга эга:

$$m(dV_x / dt) = mA_1\omega_1^2 \cos \beta \sin \omega_1 t - mg \sin \alpha + F,$$

$$m(dV_y / dt) = mA_1\omega_1^2 \sin \beta \sin \omega_1 t - mg \cos \alpha + N.$$

Бу ерда V_x, V_y – зарранинг горизонтал ва вертикал тезликлари; m – зарра массаси; A_1, ω_1 – элакдон тебранма ҳаракатининг амплитудаси ва частотаси; β – элакдон текислигига нисбатан тебраниш бурчаги (тебранма бурчак); α – элакнинг горизонтга нисбатан оғмалик бурчаги.

Кейинчалик ушбу математик модель силжувчи координата ўқлари проекциясида Р.Ф.Нагаев томонидан янада такомиллаштирилган ва у қуйидагича кўринишга эга:

$$\frac{dV_x}{dt} = A_1\omega_1^2 \cos \beta \cos(\omega_1 t + \eta + \pi) - f \left[-A_1\omega_1^2 \sin \beta \cos(\omega_1 t + \varphi + \pi) + g \right] \cos \sigma,$$

$$\frac{dV_y}{dt} = A_1\omega_1^2 \cos \beta \cos(\omega_1 t + \eta + \pi) - f \left[-A_1\omega_1^2 \sin \beta \cos(\omega_1 t + \varphi + \pi) + g \right] \sin \sigma,$$

$$\cos \sigma = \frac{V_x}{\sqrt{V_x^2 + V_y^2}}; \quad \sin \sigma = \frac{V_y}{\sqrt{V_x^2 + V_y^2}}.$$

Бу ерда η, φ - горизонтал ва вертикал фазалар бурчаклари; f – ишқаланиш коэффициенти.

Ушбу моделларда зарранинг бошқа зарралар билан ўзаро таъсир кучлари, ҳаво қаршилиги кучи ва туташ муҳитда содир бўладиган ҳажмий кучлар инобатга олинмаган. Модель $20c^{-1} \leq \omega_1 \leq 30c^{-1}$ шартда ўринли бўлиб, шу шартдаги қийматларда моделнинг аниқлиги 20-30% ни ташкил этади.

Л.Н.Тишенко ва В.П.Ольшанскийларнинг ишларида эса горизонтга нисбатан α бурчакли оғма виброғалвирда зарралар ҳаракати қаралган. Модел икки ўлчовли Навье-Стокс тенгламалари асосида инерцион ҳадлар билан биргаликда ифодаланган ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{cases} \frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + w \frac{\partial u}{\partial y} = g \sin \alpha - \frac{1}{\rho} \left(\frac{\partial P}{\partial x} - \mu \left(\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} \right) \right), \\ \frac{\partial w}{\partial t} + u \frac{\partial w}{\partial x} + w \frac{\partial w}{\partial y} = g \cos \alpha - \frac{1}{\rho} \left(\frac{\partial P}{\partial y} - \mu \left(\frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} \right) \right). \end{cases}$$

Бу ерда u, w – зарранинг горизонтал ва вертикал тезликлари; ρ, μ – аралашманинг ўртача зичлиги ва динамик қовушқоқлик коэффициенти; P – аралашмадаги босими; t – вақт.

Таклиф этилган модель $A\omega < g \cos \alpha$ ва $h < 10$ мм шартларда ўринли.

Диссертациянинг «**Сочилувчан аралашмаларни тозалаш жараёнларини математик моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида сочилувчан аралашмаларни тозалаш ўзгарувчан технологик жараёнларининг такомиллаштирилган математик модели, сонли ечиш усули ва олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Сепарциялаш масалаларида цилиндрик шаклдаги барабанли сепараторларда қийин ажралувчи сочилувчан аралашмаларни тозалаш технологик жараёнининг математик модели такомиллаштирилган. Бунда, механика қонунларидаги

$$\vec{F}_n + \vec{F}_N + \vec{F}_G + \vec{F}_s + \vec{F}_p + \vec{F}_k = 0 \quad (1)$$

кучлар балансидан фойдаланилди.

Бу ерда F_n – марказдан қочма куч; F_N – нормал реакция кучи; F_G – оғирлик кучи; F_s – Охуз тизимида зарра ҳаракатига қарши таъсир этадиган куч; F_p – заррага таъсир этадиган кўчиш кучи; F_k – Кориолис кучи.

Кучлар баланси (1) тенгламадан чизиксиз дифференциал тенгламалар системаси кўринишидаги зарра ҳаракатини ифодалайдиган қуйидаги математик моделга эга бўламиз:

$$\left. \begin{aligned} \frac{dU}{dt} &= R\psi\omega^2 \sin \omega t - f_1 [R(\Omega + \psi\omega \cos \omega t)^2 + 2U(\Omega + \psi\omega \cos \omega t)] \frac{U}{\sqrt{U^2 + W^2}}; \\ \frac{dW}{dt} &= g - f_1 [R(\Omega + \psi\omega \cos \omega t)^2 + 2W(\Omega + \psi\omega \cos \omega t)] \frac{U}{\sqrt{U^2 + W^2}}; \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

ва зарранинг тинчликдаги бошланғич шарти

$$t = 0 \text{ да } U(0) = 0, \quad W(0) = 0. \quad (3)$$

Бу ерда, U, W – зарранинг горизонтал ва вертикал ҳаракати тезликлари; Ω – цилиндрнинг айланиш частотаси; ω – цилиндрнинг пульсация тебранма частотаси; ψ – цилиндрнинг пульсацияси амплитудаси; f – ишқаланиш коэффициентлари.

Ушбу моделнинг афзаллик тарафи шундаки, цилиндр ичидаги зарралар ҳаракатининг қаршилик коэффициенти, ҳаво зичлиги, зарра массаси, ҳаво қаршилиги бўйича нормал юзаси ва шакл коэффициенти инобатга олинган ҳамда

$$f_1 = f + 0,5 \cdot d \rho_v C_D S / m$$

формула орқали аниқланади.

Бу ерда d – зарра диаметри; m – зарра массаси; ρ_v – ҳаво зичлиги; C_D – зарра шакл коэффициенти; S – зарранинг ҳаракат йўналишига нормал бўлган қисми юзаси. Қўйилган (2) чизиксиз масалани (3) бошланғич шартларда ечиш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилган ва сонли ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган.

Текис юзали оғма виброғалвирда аралашманинг концентрацияси ўзгариши ва зарра ҳаракати тезлигини аниқлаш математик модели қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси орқали ифодаланади:

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(b_c \frac{\partial \theta}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(b_c \frac{\partial \theta}{\partial z} \right) - u \frac{\partial \theta}{\partial x} - w \frac{\partial \theta}{\partial z}. \quad (4)$$

Ушбу (4) тенгламанинг бошланғич ва чегаравий шартлари қуйидагича ёзилди:

$$\left. \begin{aligned} \theta(x, z, t) \Big|_{t=0} &= \theta_0(x, z); \\ \frac{\partial}{\partial x} \theta(x, z, t) \Big|_{x=0} &= 0; \quad \frac{\partial}{\partial x} \theta(x, z, t) \Big|_{x=L_x} = 0; \\ \frac{\partial}{\partial z} \theta(x, z, t) \Big|_{z=0} &= 0; \quad \frac{\partial}{\partial z} \theta(x, z, t) \Big|_{z=L_z} = -\frac{k_0}{b_c} \theta A_1 \omega_1^2 \cos \varphi. \end{aligned} \right\} \quad (5)$$

Бу ерда θ – аралашманинг концентрацияси; k_0 – зарраларнинг ўтувчанлик коэффициенти; φ – элакдоннинг оғмалик бурчаги; b_c – сепарациялаш

коэффициенти; A_1, ω_1 – элакдоннинг горизонтал бўйлаб тебраниш амплитудаси ва частотаси; u, w - зарранинг горизонтал ва вертикал тезликлари.

Горизонтал тезлик u ва вертикал тезлик w ни аниқлаш учун эса куйидаги тегламалар тизимидан фойдаланамиз:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + w \frac{\partial u}{\partial z} &= g \sin \gamma - \frac{1}{\rho} \left(\frac{\partial P}{\partial x} - \mu \left(\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial z^2} \right) \right) + A_1 \omega_1^2 \sin \omega_1 t, \\ \frac{\partial w}{\partial t} + u \frac{\partial w}{\partial x} + w \frac{\partial w}{\partial z} &= g \cos \gamma - \frac{1}{\rho} \left(\frac{\partial P}{\partial z} - \mu \left(\frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w}{\partial z^2} \right) \right) + A_2 \omega_2^2 \sin \omega_2 t, \end{aligned} \right\} \quad (6)$$


$$u = u(x, z, t), \quad w = w(x, z, t)$$

ҳамда бошланғич ва чегаравий шартларга мурожаат этамиз:


$$\left. \begin{aligned} u(x, z, 0) &= u_0(x, z); \quad w(x, z, 0) = w_0(x, z); \quad 0 \leq x \leq L_x; 0 \leq z \leq L_z; \\ \partial u(0, z, t) / \partial x &= \partial w(0, z, t) / \partial x = 0; \quad \partial u(L_x, z, t) / \partial x = \partial w(L_x, z, t) / \partial x = 0; \\ \partial u(x, 0, t) / \partial z &= \partial w(x, 0, t) / \partial z = 0; \\ \partial u(x, L_z, t) / \partial z &= 0; \quad \partial w(x, L_z, t) / \partial z = -k_0 w \cos \varphi. \end{aligned} \right\} \quad (7)$$

Бу ерда, P – аралашмадаги босим; ρ, μ – сочилувчан аралашманинг зичлиги ва қовушқоқлиги; A_2, ω_2 – элакдоннинг вертикал тебраниш амплитудаси ва частотаси.

Қўйилган (6)-(7) масалалар такомиллаштирилган ўзгарувчан йўналишли усул билан ечилган ва сепараторнинг турли параметрлари ва аралашманинг турли физик-механик кўрсаткичлари қийматларида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди ҳамда натижалар график (1, 2-рasm)лар кўринишда тақдим этилди.



1-рasm. Зарра ҳаракати тезликларининг вақт бўйича ўзгариши.



2-рasm. Турли қатламларда зарра ҳаракати тезлигининг вақт бўйича ўзгариши.

Диссертациянинг «Суюқликларни филтрлаш ўзгарувчан мураккаб технологик жараёнининг такомиллаштирилган математик модели ва сонли алгоритми» деб номланган учинчи бобида суюқ ионли аралашмаларни тозалаш жараёнида бародиффузия коэффициентини аналитик усулда аниқлаш, ҳосил бўладиган чўкмани инобатга олган ҳолда суюқ

аралашмаларни тозалаш технологик жараёнининг такомиллаштирилган математик модели ва мураккаб таркибли аралашмаларни тозалаш жараёнининг тескари масаласини ечиш усули ҳамда уларнинг сонли алгоритмлари келтирилган.

Дастлаб бародиффузия коэффициентини D_b ни назарий аниқлаш усули келтирилган. Бунинг учун Генри чизиқли изотермик сорбциясидан бир хил модда учун фойдаланиб, динамик сорбция тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$m \frac{\partial n}{\partial t} + W \frac{\partial n}{\partial x} + \frac{\partial N}{\partial t} = D \frac{\partial^2 n}{\partial x^2} + \frac{D_b}{P} \frac{\partial P}{\partial x}, \quad (8)$$

$$\frac{\partial N}{\partial t} = \beta(n - \Gamma N), \quad (9)$$

$$m \frac{\partial P}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(k \frac{\partial P}{\partial x} \right), \quad (10)$$

бошланғич ва чегаравий шартлари эса:

$$\left. \begin{aligned} t = 0 \text{ да } n = n_{01}, N = N_0, P = f(x), \\ x = 0 \text{ да } n = n_0, k(\partial P / \partial x) + \gamma P = P_0, \\ x = H \text{ да } n = n_{02}, \partial P / \partial x = 0. \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

Бу ерда n, N – аралашмадаги ва сорбентдаги аралашма концентрацияси; W – суюқликнинг ҳаракатланиш тезлиги; D, D_b – диффузия ва бародиффузия коэффициентлари; P – ионалмашинув колоннаси ичидаги босим; β – ионлар алмашинишининг самарали коэффициентини.

Қўйилган (8)-(10) масала (11) бошланғич ва чегаравий шартлари билан Лаплас ва Фурье алмаштириш усуллари ёрдамида, яъни операцион ҳисоб ёрдамида ечилди. Натижада тажрибавий қиймат бародиффузия коэффициентини аниқлаш функционали келтириб чиқарилган.

Ионалмашинув колонна ичидаги босим ўзгариши

$$P = \frac{He^{b^2t}}{(-b)^B} e^{bx/\sqrt{a}} \left[1 - \operatorname{erf} \left(\frac{x}{2\sqrt{at}} + b\sqrt{t} \right) \right] - \frac{H}{(-b)^B} (1 - 4b^2t) \cdot \left[1 - \operatorname{erf} \left(\frac{x}{2\sqrt{at}} \right) \right] + \frac{Hb}{(-b)^B \sqrt{a}} x \left[1 - \operatorname{erf} \left(\frac{x}{2\sqrt{at}} \right) \right] + \frac{2Hb\sqrt{t}}{(-b)^B \sqrt{\pi}} e^{-x^2/4at};$$

формуласи орқали ҳисобланади. У ҳолда бародиффузия коэффициентини аниқлаш формуласи қуйидагича кўринишни олади:

$$D_b = (n(x_k, t) - q_1(x_k, t)) / q_2(x_k, t);$$

бу ерда x_k – қаралаётган соҳа ичидаги ихтиёрий нуқта;

$$q_1(x, t) = e^{(k_1+k_4)t+(k_2+k_3)x} \left\{ \frac{Dn_0}{m} e^{\frac{D}{m}(k_2+k_3)x} \left[e^{-(k_2+k_3)x} - 0,5e^{-\frac{mx}{D}(k_2+k_3)} E_1 + e^{\frac{mx}{D}(k_2+k_3)} E_1 \right] + \right.$$

$$+ \frac{n_{01}x}{2\sqrt{\pi t^3 D/m}} e^{-(k_1+k_4)t} e^{-\frac{Dx^2}{4mt}} \left. \right\}, \quad q_2(x,t) = \frac{1}{D} \int_0^t \Phi_0(\tau) \operatorname{erfc} \left(\frac{x}{2\sqrt{C_0(t-\tau)}} \right) d\tau,$$

$$E_1 = \operatorname{erfc} \left(\frac{x}{2\sqrt{tD/m}} - \sqrt{tD/m}(k_2+k_3) \right).$$

$$C_0 = D/m, \quad k_1 = \beta/m, \quad k_2 = W/D - (2(1+m)\beta/(mW)),$$

$$k_3 = -0,5W/D + 2\beta(1+m)/(mW), \quad k_4 = (1+m)\beta/m^2 + \beta/m.$$

Ионли эритмаларни филтрлаш жараёнида филтрнинг ишчи ҳолатини баҳолаш муҳим масалалардан бири саналади. Шунинг учун филтрлаш масаласининг 4 та ҳолати учун математик моделлар келтирилган. Биринчи ҳолатда масала векторли чекли-айирмали усулига кўра ўлчовсиз кўринишда куйидагича:

$$\left. \begin{aligned} m_1 \frac{\partial u}{\partial t} + a_1 W \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial N_u}{\partial t} &= a_2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}; & \frac{\partial N_u}{\partial t} &= a_3 \left(u - \frac{K_1 N_u}{K_2 - b N_u} \right); \\ m_1 \frac{\partial v}{\partial t} + a_1 W \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial N_v}{\partial t} &= a_2 \frac{\partial^2 v}{\partial x^2}; & \frac{\partial N_v}{\partial t} &= a_3 \left(v - \frac{K_1 N_v}{K_2 - b N_v} \right); \end{aligned} \right\} \quad (12)$$

$$\left. \begin{aligned} u = v = 0, \quad N_u = N_v = 1, & \quad (t=0); \\ u = v = 0, & \quad (x=0); \\ u = v = n^0, & \quad (x=1), \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

$$a_1 = \frac{W_0 \alpha_\tau}{H_0}, \quad a_2 = \frac{D_L \alpha_\tau}{H_0^2}, \quad a_3 = \beta \alpha_\tau, \quad K_1 = \frac{1}{N_0}, \quad K_2 = \frac{a}{N_0}, \quad n^0 = \frac{n_0}{N_0}, \quad \alpha_\tau = \frac{\rho H K_0}{\mu H_0 W_0}.$$

Иккинчи ҳолатда

$$\left. \begin{aligned} \frac{dW}{dt} &= B - \frac{W}{(1-C_0^*V)^2}; & \frac{d\Delta\theta}{dt} &= \frac{\theta_1 \alpha_\tau}{H_0(1-\theta_1)} W; & \frac{dV}{dt} &= a_4 W; \end{aligned} \right\} \quad (14)$$

$$W = 0, \quad \Delta\theta = 0, \quad V = 0, \quad (t=0),$$

$$B = \Delta P_0 K_0 / (\mu H_0 W_0), \quad a_4 = W_0 \alpha_\tau / F^{1/2}.$$

Учинчи ҳолатда

$$\left. \begin{aligned} P(t) &= \frac{1}{B(1-\delta)^2} - \frac{\rho H W}{\Delta P_0 \alpha_\tau} \frac{d\theta_3}{dt}; & \frac{d\theta_3}{dt} &= q(t); \\ \frac{d\Delta\theta}{dt} &= a_1 \frac{1-\theta_3}{1-\theta_1}; & \frac{d\delta}{dt} &= a_5(\Delta\theta - \gamma\delta); & V &= a_0 t; \\ t=0 \text{ да, } \theta_3 &= 0, \Delta\theta = 0, \delta = 0, \end{aligned} \right\} \quad (15)$$

$$q(t) = \frac{\alpha_\tau C_0}{W(2-\delta-1/m_1)} \left\{ \lambda(\Delta\theta - \gamma\delta) \left[\gamma(\Delta\theta - m_0 - m_1) - \frac{C_1 e^{-a_0 t}}{2-\delta-1/m_1} + \right. \right.$$

$$\left. + \frac{(\Delta\theta + m_0 - m_1)(\Delta\theta - \gamma\delta)}{2 - \delta - 1/m_1} \right] + C_1 \gamma e^{-a_0 t} - W \lambda (1 - \theta_3) (2\Delta\theta - \gamma\delta - a_7) / C_0 \left. \right\},$$


$$C_0 = H_0 \lambda (1 - \theta_1), \quad C_1 = \theta_1 (1 - m_0), \quad a_5 = \lambda \alpha_\tau, \quad a_6 = a_5 \gamma, \quad a_7 = m_1 - m_0.$$

Тўртинчи ҳолатда, яъни фильтр катламининг юзасида чўкма хосил бўлиши инобатга олинган ҳол учун масала қуйидаги кўринишга эга:


$$\left. \begin{aligned} \frac{dW}{d\tau} &= \frac{\alpha_\tau}{\rho(H+h)} \left[\rho g(H+h) / W_x - \mu W h ((1-\Delta\theta) / k_1 + 1 / k_2) \right]; \\ \frac{dh}{d\tau} &= \frac{\alpha_\tau \theta_1}{H_x (1-\theta_1) (\Delta\theta - \theta_1)} \left[A \alpha_\tau t (1-\theta_1) + F W W_x \right]; \\ \frac{d\Delta\theta}{dt} &= \frac{\theta_1 \alpha_\tau}{H_0 (1-\theta_1)} W; \quad \frac{dV}{d\tau} = \frac{\alpha_\tau F W W_x}{V_x}; \\ W &= W_0, \quad h = 0, \quad V = 0, \quad \Delta\theta = 0, \quad (t = 0). \end{aligned} \right\} \quad (16)$$

Келтирилган (12)-(16) тенгламалар системасидаги параметрлар қуйидаги маънога эга: $\Delta\theta$ – фильтр юзасига чўкадиган чўкманинг концентрацияси; θ_3 – филтрдан ўтган зарралар концентрацияси; V – филтрат ҳажми; δ – ғовак муҳитга чўккан зарралар концентрацияси; ρ ва μ – филтратнинг зичлиги ва ковушқоқлиги; θ_1 – аралашманинг дастлабки концентрацияси; m_0 – чўкма ғоваклиги; F – фильтр юзаси; C_0^* – тикилувчанлик коэффиценти.

Қўйилган масаланинг яратилган математик таъминоти асосида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Ҳисоблаш тажрибаларидан олинган натижалар графикларда келтирилган (3 ва 4-расмлар).



3-расм. Чўкма баландлигининг вақт (соат) бўйича ўзгариши.




4-расм. Фильтр юзасига чўкган зарралар концентрацияси.

Диссертациянинг «Қийин ажралувчи аралашмаларни сепарациялаш ва филтрлаш жараёнларини ЭХМда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишни автоматлаштириш учун дастурий воситалар» деб номланган тўртинчи бобида сепарациялаш ва филтрлаш жараёнларини тадқиқ этиш учун яратилган дастурий воситаларнинг тузилиши ва функционал имкониятлари тўғрисида баён қилинади.

Филтрлаш ва сепарациялаш масаласини ечишни автоматлаштириш мақсадида яратилган дастурий воситанинг асосий мулоқот ойнаси

келтирилган(5-расм) ва «Filter-Separ» деб номланиб, унинг структураси ва функционал имконияти ҳақида маълумотлар берилган.



5-расм. «Filter-Separ» дастурининг бош ойнаси.

Дастлаб «Filter-Separ» дастури ойнасининг тузилиши функционал имкониятлари тақдим этилган ва у суюқ ионли аралашмалар ҳамда сочилувчан аралашмаларни тозалаш технологик жараёни устида сонли ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятини беради.

Олинган сонли ҳисоблаш натижаларини жадвал ва график шаклида ифодалаш ҳамда ҳисобот тарзда тайёрлаш учун сонли ва графикли маълумотларни MS Excel дастурига экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари марказдан қочма куч асосида ҳамда зарралар ҳаракати қисиш кучи таъсирида бўлган аралашмаларни тозалаш технологик жараёнининг дастурий модули ва уни ишлатиш бўйича тавсиялар келтирилган. Яна сочилувчан аралашмаларни текис юзали виброғалвирда зарралар ҳаракати тезлиги ва аралашманинг концентрацияси ўзгаришини ҳисоблаш модули дастури келтирилган. Дастур интерфейси рус ва инглиз тилларида келтирилган. Булардан ташқари суюқ ва ионли аралашмаларни филтрлаш технологик жараёни устида сонли ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятини берадиган дастурнинг блок модули ва унинг функционал имконияти келтирилган.

ХУЛОСА

“Кўп таркибли аралашмаларни тозалаш жараёнларини тадқиқ этиш учун такомиллаштирилган модел ва алгоритмлар” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Марказдан қочма куч таъсирида сочилувчан аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг математик модели, ҳисоблаш алгоритми ва

дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Улар аралашманинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда марказдан қочма куч классификаторли сепаратор параметрларининг ўзгариш оралиғини аниқлаш ва башорат қилишга хизмат қилади.

2. Зарралар ҳаракати қисиш кучи таъсирида бўлган аралашмаларни виброэлақда тозалаш жараёнлари учун компьютерли модели ишлаб чиқилди. Яратилган компьютер модели қийин ажралувчи аралашмаларни тозалаш жараёнларида тозаловчи агрегат параметрларини тўғри танлаш имконини беради.

3. Текис юзали оғма виброғалвирларда аралашмаларни тозалаш жараёнларининг икки ўлчовли математик модели ва унинг ҳисоблаш алгоритми ҳамда дастурий воситаси ишлаб чиқилди. Яратилган дастурий восита текис юзали виброғалвирларда аралашмаларнинг элақдан ўтиш тезлиги ва маҳсулот концентрацияси ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Илмий тадқиқот натижаларини “Урганч махсус санитар транс” давлат ишлаб чиқариш корхонасида тадбиқ этиш натижасида тозаловчи агрегат ва машиналар унумдорлигини 5-6%га ошириш ҳамда уларга кетадиган сарф-харажатларни 8-9%га камайтириш имконини берган;

4. Суюқ ионли аралашмаларни тозалаш жараёнида бародиффузия коэффициентини ва ионалмашинув колонна ичидаги босимни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган усул бародиффузия коэффициентини кўп ҳаражатли реал лаборатория шароитисиз ҳисоблаш имконини беради ҳамда филтёрнинг ишчи ҳолати вақтини аниқлашга хизмат қилади.

5. Суюқ ионли аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларининг тўртта ҳолати учун математик моделлар, сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари яратилган. Яратилган дастурий воситалар ионалмашинув колоннаси ичидаги босим ўзгаришини ҳамда филтёр юзасидаги, ғовак муҳит ичидаги ва чиқишдаги ионлар концентрацияни аниқлаш имконини беради. Илмий тадқиқот натижасини “Зарафшон” магистрал тизимлари бошқармасига тадбиқ этиш натижасида тозаловчи агрегатларнинг параметрларини тўғри танлаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини 8-9%га ошириш имконини берган.

6. Ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминотлар ёрдамида ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари Самарқанд шаҳридаги “Лаззатли ДОН”, Самарқанд вилоятидаги “Зарафшон” магистрал тизимлари бошқармаси, Урганч шаҳридаги “Урганч махсус санитар транс” ва Питнак шаҳридаги “Улуғбек обод” машина-трактор парки корхоналарида тозаловчи агрегатлар параметрларини тўғри танлаш имконини берган ва муаян даражада иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ПАЛВАНОВ БОЗОРБОЙ ЮСУПОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫЕ МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ДЛЯ
ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ФИЛЬТРОВАНИЯ
МНОГОКОМПОНЕНТНЫХ СМЕСЕЙ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2017.2.PhD/T269

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Равшанов Нормакмад доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Кабулов Анвар Васильевич доктор технических наук, профессор Маликов Зафар Маматкулович доктор технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета _____ DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Корпус А Ташкентского университета информационных технологий, 2 этаж, малый зал. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 236-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

З.Х. Юлдашев
Председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется автоматизации технологических процессов производства сельхозпродукции, ее очистки и переработки. «По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации (FAO) ООН, объем мирового производства зерна в 2015 году составил более 2,5 млрд. тонн и этот показатель каждый год увеличивается за счет применения новых инновационных технологий»¹. Многими странами мира, в том числе США, Китаем, Германией, Японией, Южной Кореей, Великобританией, Россией, а также Узбекистаном проводятся научные исследования по компьютеризации производства сельхозпродукции, ее первичной переработке.

В мире ведутся научно-исследовательские работы с использованием информационно-коммуникационных технологий, направленные на усовершенствование технологических процессов при глубокой переработке сырья, разработке новых очистительных агрегатов и машин, а также на повышение их производительности. В этой связи, в частности, управление технологическими процессами очистки многокомпонентных смесей в динамическом режиме на основе математических моделей, проведение вычислительных экспериментов, разработка новых технологических способов и средств сепарирования трудноразделяемых смесей с учетом различных внешних и внутренних воздействий на технологический процесс входят в число важнейших задач.

В нашей республике особое внимание уделяется глубокой переработке сырья, повышению качества продуктов и автоматическому управлению технологическими процессами очистки с применением инновационных технологий. В этом направлении, в частности, проведены научные изыскания по математическому и численному исследованию технологических процессов первичной очистки, сортирования, сепарирования и фильтрования сельхозпродукции и получены значительные результаты. Наряду с этим особую значимость имеют внедрение информационно-коммуникационных технологий в отрасли, разработка новых агрегатов, усовершенствование существующих, повышение их производительности и качества конечного продукта. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечен ряд задач, в частности: «... переработка мясомолочных и фруктово-овощных продуктов, глубокая переработка цветных и драгоценных металлов, глубокая переработка химического сырья, ... применение информационно-коммуникационных технологий в системе экономики и управления»². Выполнение указанных задач, в частности, разработка математических моделей и численных алгоритмов технологических процессов очистки многокомпонентных смесей считается одной из важнейших задач.

¹ <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

² http://strategy.gov.uz/uz/pages/development_economy

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в следующих законодательных актах: Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление правительства Республики Узбекистан №ПП-2505 от 5 марта 2016 г. «О Мерах по дальнейшему развитию сырьевой базы, углублению переработки плодоовощной и мясомолочной продукции, увеличению производства и экспорта продовольственных товаров в 2016-2020 годах», Постановление правительства Республики Узбекистан №ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №24 от 1 февраля 2012 г. «О Мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV - «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. За последние годы по нестационарному технологическому процессу фильтрования смесей проведены научные исследования и получены значительные теоретические и практические результаты. Они рассмотрены в работах зарубежных ученых, в частности, Jing Wang, J.Zhang, Yu.Zhihui, B.Remy, J.W.Dufty, Duygu Kocaefe, Carlos Andre, Gitisa Vitaly, Andrii Safonyk, В.В.Белобородов, И.И.Блехман, А.А.Ключкин, П.М.Зайко, Г.Ю.Джанилидзе, Ю.М.Шехтман, И.И.Жужиков, И.М.Федоткин, Р.И.Нигматулин, Ю.П.Волков, В.П.Ольшанский, Ф.М.Харченко, В.П.Шацкий, Ф.Г.Ахмадиев, М.Г.Токмачев, Н.А.Тихонов, В.А.Семенов, В.В.Гортинский, А.С.Федеренко, Ю.Л.Сколубович, С.В.Натарев и др.

В Узбекистане Ф.Б.Абуталиев, Н.Р.Юсупбеков, Н.У.Ризаев, Д.Ф.Файзуллаев, Х.Х.Атаулаев, О.У.Умаров, М.Я.Рахимов, О.Ким, Н.Равшанов, И.Хужаев и З.М.Маликов внесли большой вклад в разработку математических моделей и численных алгоритмов технологического процесса очистки смесей.

В настоящее время, проблемы математического моделирования для прогноза, анализа и управления изменением диапазонов параметров агрегата с учетом физико-механических свойств смесей изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра

информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий по проектам: А-5-001-«Разработка распределённых алгоритмов и веб-ориентированных программных средств для решения задач тепломассопереноса в сложных системах» (2015-2017); ВА-ОТ-А3-21 - «Разработка и создание статического центробежного классификатора» (2017-2018).

Целью исследования является усовершенствование математических моделей и разработка численных алгоритмов для прогнозирования и управления нестационарным технологическим процессом сепарирования и фильтрования многокомпонентных смесей с учетом их физико-механических свойств.

Задачи исследования:

усовершенствование математической модели технологического процесса очистки сыпучих смесей в центробежном сепараторе;

усовершенствование численной и математической моделей процессов сепарирования сыпучих смесей с учетом направлений движения по горизонтали и вертикали и других факторов;

разработка модифицированного метода решения обратной задачи технологического процесса фильтрования жидких ионизированных растворов;

разработка вычислительного алгоритма и программного средства для эффективного применения при проведении численных экспериментов по прогнозированию и анализу диапазонов изменения параметров очистительных агрегатов.

Объектом исследования являются сложные нестационарные технологические процессы сепарирования, разделения и фильтрования сыпучих смесей и жидких ионизированных растворов.

Предмет исследования составляют математические модели, вычислительные алгоритмы и программные комплексы для исследования и анализа функционирования и прогнозирования технологических процессов сепарирования и фильтрования смесей.

Методы исследования. При исследованиях применяли методы математического моделирования, численные методы гидродинамики, теоретической механики, механики жидкости и газа, теории подобия и размерности, методы алгоритмизации и объектно-ориентированного, а также методы численной итерации.

